

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Самарқанд шаҳри

2023 йил 22 сентябрь

Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида судья Ш.Мамадияровнинг раислигида, судьялар М.Дусматова ва И.Хамрокуловдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Абдухомидовнинг котиблигида, даъвогар [REDACTED] С.Абдуллаев (2023 йил 12 сентябрдаги АТ-1/391-сонли ишончнома асосида), жавобгар [REDACTED] вакили адвокат Ж.Режапов (2023 йил 8 сентябрдаги ишончнома ва 25-сонли ордер асосида) иштирокида Тойлоқ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 28 июлдаги ҳал қилув қарорига нисбатан “Samarkand Touristic Centre” МЧЖ томонидан берилган апелляция шикоятини вилоят суди биносида видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и :

Тойлоқ туманлараро иқтисодий [REDACTED] (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) даъво аризаси билан мурожаат қилиб, [REDACTED] (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади)дан 214 552 000 сўм асосий қарз ва 21 455 200 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суднинг 2023 йил 18 июлдаги ажрими билан ишга Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Суднинг 2023 йил 28 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъво ариза қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 214 552 000 сўм асосий қарз, 10 727 600 сўм пеня ундириш белгиланган.

Мазкур ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгар судга апелляция шикояти тақдим этиб, унда биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини бекор қилишни ва даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Бунга асос қилиб, биринчидан, суд ФКнинг 689-моддасида лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномасига мувофиқ пудратчи тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини ва қидирув ишлари натижаларини шартномада



белгиланган муддатларда буюртмачига топширишга мажбур эканлиги кўрсатиб ўтилганлигини инобатга олмаганлиги, шартноманинг 2.3.-банди тўртинчи хатбошисида жавобгар шартноманинг қолган 20 фоиз қисмини (қиймати 214 552 000 сўм) ижобий экспертиза хулосаси олинганидан кейин 10 календарь куни ичида тўлаб бериши белгиланганлиги, шартноманинг 2.4.-бандига кўра жавобгар учун тўлов қилишга асос мазкур шартнома, бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома ва ҳисоб-фактура бўлиши кўрсатилганлиги, бундан ташқари, шартноманинг 3.5.-бандида давлат экспертизасининг ижобий хулосаси олинганидан кейин даъвогар лойиҳанинг техник-иқтисодий асослануви (бундан буён матнда ТИА деб юритилади)нинг бир нусхасини қоғоз шаклида ҳамда DWG ва PDF шаклларида, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура билан бирга жавобгарга топшириши лозимлиги белгиланганлиги, даъвогар томонидан жавобгарга бажарилган ишлар далолатномасини имзолаш учун юборилганлиги ҳолати ишлар бажарилганлиги ва жавобгарга топширилганлигининг исботи ҳисобланмаслиги, мазкур ҳолатда қонун талаблари ҳамда шартнома шартларига кўра даъвогар жавобгарга бажарилган ишлар натижасини топшириши лозим бўлса-да, бироқ даъвогар томонидан давлат экспертизасининг ижобий хулосаси олинган ТИАнинг на қоғоз нусхаси, на электрон (DWG ва PDF) нусхасини топширмаганлиги, чунки, ТИАнинг давлат экспертизаси ҳали ниҳоясига етказилмаганлиги, ТИАнинг давлат экспертизасидан ўтказиш жараёнида қайта ишланган нусхаси жавобгар томонидан бошқа ижрочи “The Art of Effective Governing” МЧЖни жалб қилинган ҳолда қайта ишланганлиги, иккинчидан, шартноманинг 1.5.-бандига кўра даъвогар жавобгарга ТИАни экспертизадан ўтказишда ёрдам бериши ва экспертизанинг ижобий хулосаси олингунига қадар уни техник қўллаб-қувватлаши белгиланганлиги, шу билан бирга, шартноманинг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Молиялаштириш ва ишларни бажариш графигига кўра охириги 20 фоизлик тўлов ТИАни қонунчиликда белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш учун тўлаб берилиши белгиланганлиги, бироқ даъвогар томонидан шартноманинг ушбу шартлари бажарилмаганлиги, биринчи инстанция суди бу ҳолатларни инобатга олмаганлиги, учинчидан, жавобгар томонидан ТИАнинг экспертизадан ўтказиш жараёни якунига етмаганлигини тасдиқловчи далил сифатида судга “Самарқанд туристик маркази” лойиҳасини молиялаштираётган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг 2023 йил 4 июлдаги 02/1-4219/08-сонли хати айнан жавобгарга йўлланганлиги, ТИАни экспертизадан ўтказиш билан жавобгар шуғулланаётганлигини ҳамда 2023 йилнинг апрель ҳолатига ТИАнинг экспертизаси якунланмаганлиги исботлашлиги, тўртинчидан, биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида даъвогарнинг даъво талабларини қисман қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиши учун асос сифатида Молия вазирлигининг 2022 йил 3 мартдаги ТИА лойиҳаси бўйича ҳеч қандай эътироз ва таклифлар мавжуд эмаслиги тўғрисидаги 02/15-32/515-сонли хатини кўрсатганлиги ва ТИА бўйича ижобий хулоса олинган деб баҳо берганлиги, ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А Рамаатов бошчилигидаги “Самарқанд туристик маркази” туристик зонасини



ташқил этиш юзасидан Ишчи гуруҳи йиғилишининг 2023 йил 6 апрелдаги 3-сон Баёнининг 3-бандида “Самарқанд туристик маркази”ни ташқил этиш лойиҳасининг умумий қиймати ошганлигини ҳисобга олиб, лойиҳа буюртмачиси - ██████████ МЧЖ ҳамда “██████████ ██████████ аликда икки ой муддатда лойиҳанинг якуний техник иқтисодий асосини Молия вазирлиги ҳамда Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини ва тасдиқланишини таъминлаш” белгиланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири биринчи ўринбосарининг ТИАни экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги топшириғи Молия вазирлиги даъвогарга ТИА лойиҳаси бўйича эътирозлари йўқлиги тўғрисида хат берганлигидан кейин имзоланганлиги, яъни 2022 йилнинг апрелида ТИАнинг экспертизаси якунига етмаган бўлганлигини аёнлаштириши, бешинчидан, биринчи инстанция суди иш юзасидан ҳал қилув қарорини қабул қилишда иш ҳужжатларини тўлиқ ўрганмасдан, тақдим этилган далилларга етарлича баҳо бермасдан, тарафларнинг важларини суд томонидан қабул қилганлигининг ёки рад этганлигининг асосларини кўрсатмасдан қабул қилинганлиги, бундан ташқари, жавобгар томонидан судга тақдим этилган банкнинг ТИА лойиҳасининг экспертизаси тугамаганлигини тасдиқловчи 2023 йил 4 июлдаги 02/1-4219/08-сонли хати, Бош вазирнинг 2023 йил 20 апрелдаги топшириғи мавжудлиги тўғрисидаги ҳолатлар суд томонидан ўрганиб чиқилмаганлиги ва баҳо берилмаганлиги, олтинчидан, даъвогарнинг ижрочи ҳамда даъвогар ўртасида 2021 йил 20 мартда “Самарқанд туристик маркази” ТИА лойиҳасини тузатиш тўғрисида 10-сонли шартнома тузилганлиги, шунга кўра Ижрочи 2022 йил 25 апрелда “██████████ ██████████”дан шу мазмундаги шартнома имзолаши ноқонуний деган важлари ҳам асоссиз ҳисобланиши, чунки, даъвогар ҳамда жавобгар ўртасида тузилган шартноманинг 5.1.1.-бандига кўра даъвогар шартноманинг биринчи бандида кўрсатилган ишларни ўз кучи билан ва (ёки) (жавобгарнинг ёзма розилиги бўлганда) жалб қилинган кучлар билан, шартномада кўрсатилган муддатларда ҳамда шартларда бажариб жавобгарга топшириши лозимлиги кўрсатилганлиги, мазкур ҳолатда даъвогар Ижрочи билан шартнома тузганлиги тўғрисида жавобгарни огоҳлантирмаганлиги, шунга кўра даъвогар ҳамда Ижрочи ўртасида шартнома тузилганлиги ноқонуний ҳисобланишини кўрсатган.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили апелляция шикоятда келтирилган важларни тақрорлаб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўради.

Даъвогар вакили апелляция шикоятда келтирилган важлар асоссиз эканлигини таъкидлаб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган учинчи шахслар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги вакиллари иштирок этмади.



Судлов ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 274-моддасига асосан, ишни уларнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Судлов ҳайъати, тарафлар вакилларининг тушунтиришларини эшитиб, апелляция шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб, қуйидагиларга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Аниқланишича, [REDACTED] ва “O’zinvestloyiha” МЧЖ (Бажарувчи) ўртасида 2021 йил 4 февраль куни 10-21-сонли шартнома тузилган. Шартноманинг умумий қиймати 1 072 760 000 сўмни ташкил этган.

Шартноманинг 1.1.-бандига кўра, [REDACTED] вилоятидаги [REDACTED] (ТИА)ларини ишлаб чиқиш ишларини бажариш, “Буюртмачи” эса ишларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 688-моддасига кўра, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича барча ишлар бажариб бўлинганидан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини пудратчига тўлаши ёки ишларнинг айрим босқичлари тугалланганидан кейин нархнинг тегишли қисмини тўлаши шарт.

Шартноманинг 2.3.-бандига мувофиқ, “Буюртмачи” “Пудратчи”га аванс пулларини ва бажарилган ишлар учун тўловларни қуйидаги тартибда тўлайди:

- шартнома умумий қийматининг 50 фоизи миқдориди, яъни 536 380 000 сўм аванс тўловини ушбу шартнома тузилган кундан бошлаб 10 календарь кун ичида;

- шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдориди, яъни 321 828 000 сўмни тўлиқ шартнома бўйича бажарилган ишлар далолатномаси ва счёт-фактура имзоланган кундан бошлаб 10 календарь кун ичида;

- шартнома суммасининг 20 фоизи, яъни 214 552 000 сўмни экспертнинг ижобий хулосасини олинган кундан бошлаб 10 календарь кун ичида тўлаш мажбуриятини олган.

“Бажарувчи” шартнома шартларига мувофиқ, Самарқанд вилоятидаги “Самарқанд туристик маркази”ни қуриш лойиҳасини техник-иқтисодий асос (ТИА)ларини ишлаб чиқиш ишларини бажарган. Бу тўғрисида тарафлар ўртасида бажарилган ишлар далолатномаси ва счёт-фактура имзоланган.

Демак, ТИА жавобгарга топширилган. “Буюртмачи” эса, шартнома умумий қийматининг 50 фоизи миқдориди 536 380 000 сўм аванс тўловини ҳамда шартнома суммасининг 30 фоизи, яъни 321 828 000 сўм, жами



858 208 000 сўмни шартноманинг 2.3.-бандининг биринчи ва иккинчи хатбошига кўра олган мажбуриятига мувофиқ тўлаб берган.

Даъвогар ишлар бажарилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2021 йил 28 май куни АТ-1/220-сонли ва 2021 йил 3 июнь куни АТ-1/223-сонли хатлар билан ТИА лойиҳаси экспертизадан ўтказиш учун юборилган. Вазирлик ушбу ТИА лойиҳасини кўриб чиқиб, 2021 йил 6 июлдаги 06-16-1-07027-сонли жавоб хати билан лойиҳада камчиликлар бўлганлиги сабабли, ушбу камчиликларни бартараф этиб, қайтадан тақдим қилинган тақдирда кўриб чиқилишини маълум қилган. Даъвогар Вазирлик томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, 2021 йил 27 декабрь куни АТ-1/273-сонли хат билан ТИА лойиҳасини экспертизадан ўтказиш учун қайтадан юборган.

Бундан ташқари, даъвогар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2021 йил 28 май куни АТ-1/219-сонли хат билан ТИА лойиҳасини экспертизадан ўтказиш учун юборган. Вазирлик ушбу ТИА лойиҳасини кўриб чиқиб, 2021 йил 5 августдаги РМ18150850-сонли жавоб хати билан асосий параметрлар бўйича сезгирлик таҳлилини ҳисоблашни яқунлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашни, шунингдек, лойиҳада лойиҳа натижасида янги иш ўринларини яратиш тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмаслигини маълум қилиб, лойиҳа бўйича эътироз йўқлиги маълум қилинган.

Шундан сўнг, даъвогар томонидан жавобгарга 2021 йил 7 декабрь куни АТ-1/269-сонли хат билан мурожаат қилиб, шартнома доирасида ТИА лойиҳаси тўлиқ бажарилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан келтирилган камчиликлар бартараф этилганлиги сабабли, бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома расмийлаштириб, қолган 214 552 000 сўмни тўлаб беришни сўраган. Бироқ, жавобгар 214 552 000 сўмлик ҳисобварақ-фактурани имзоламаган ва тўланиши лозим бўлган 214 552 000 сўмни тўлаб бермаган.

Даъвогар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб, 2021 йил 27 декабрь куни АТ-1/274-сонли хат билан ТИА лойиҳасини экспертизадан ўтказиш учун такроран юборган. Вазирлик томонидан даъвогарга 2022 йил 3 мартдаги 02/15-32/515-сонли хат билан ушбу ТИА лойиҳаси бўйича ҳеч қандай эътироз ва таклифлар йўқлиги маълум қилинган.

Жавобгар даъвогарга 2022 йил 17 мартдаги 43-22-сонли ва 2022 йил 12 апрелдаги 60-22-сонли хатлар билан мурожаат қилиб, 2021 йил 4 февралдаги 10-21-сонли шартномани бекор қилишни сўраган. Бироқ, даъвогар жавобгарга 2022 йил 28 мартдаги АТ-1/295-сонли жавоб хати йўллаб, шартномани бекор қилиш учун асос йўқлигини маълум қилган.

Бундан ташқари, даъвогар жавобгарга 2022 йил 7 июлдаги АТ-1/312-сонли ва 2023 йил 21 февралдаги АТ-1/348-сонли талабномалар билан мурожаат қилиб, талабномага илова қилинган ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириб, қолган 214 552 000 сўмни тўлаб беришни сўраган. Бироқ, ушбу талабномалар ҳам жавобгар томонидан оқибатсиз қолдирилган.



Судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди даъвогар Самарқанд вилоятидаги “Самарқанд туристик маркази”ни қуриш лойиҳасини техник-иқтисодий асос (ТИА)ларини ишлаб чиқиш ишларини тўлиқ бажарганлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 3 мартдаги 02/15-32/515-сонли хат билан ушбу ТИА лойиҳаси бўйича ҳеч қандай эътироз ва таклифлар йўқлиги маълум қилинганлиги, яъни ТИА лойиҳаси бўйича ижобий хулоса берилганлиги, шартноманинг 2.3.-бандида эса буюртмачи экспертизанинг ижобий хулосаси олинганидан бошлаб 10 календарь кун давомида шартноманинг 20 фоизини, яъни 214 552 000 сўмни тўлаб бериши белгиланганлиги, бироқ жавобгар томонидан тўловлар тўлаб берилмаганлигини инобатга олиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 214 552 000 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги асосли тўхтамага келган деб ҳисоблайди.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 6.3.-бандида, бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганда, “Буюртмачи” “Бажарувчи”га ишлар қийматининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлаши белгиланган.

Даъвогар шартноманинг ушбу шартдан келиб чиққан ҳолда жавобгар томонидан тўловлар кечиктирилганлиги сабабли 21 455 200 сўм пеня ҳисоблаб, пеня суммасини жавобгардан ундиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди, жавобгарнинг мулкӣ аҳволини ва унинг манфаатларини эътиборга олиб, жавобгардан ундириш талаб қилинган пеня суммасини камайтириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 10 727 600 сўм пеняни ундириш тўғрисида асосли хулосага келган.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг апелляция шикоятда келтирган важлари билан қуйидагиларга кўра келишмайди.

Шартноманинг 1.5.-бандида пудратчи буюртмачи номидан техник-иқтисодий асосларни экспертизадан ўтказишда ёрдам бериши ва экспертизадан ижобий хулоса олинганга қадар уни техник қўллаб-қувватлашни амалга ошириши белгиланган бўлиб, даъвогар шартноманинг ушбу бандини умуман бажармаганлигига доир ва даъвогарнинг шартномани бажаришдан бош тортганлиги ёки шартнома бекор қилинганлиги тўғрисида далиллар мавжуд эмас. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ТИА лойиҳаси бўйича ижобий хулоса берилган ва даъвогар экспертизанинг ижобий хулосасини олгандан сўнг жавобгарга ТИА лойиҳасини, шунингдек шартноманинг 2.4.-бандида тўловга асос бўлган ҳужжатларни, яъни ҳисобварақ-фактура ва бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим қилганлиги тўғрисидаги далиллар мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йил 3 мартдаги 02/15-32/515-сонли хат билан ушбу ТИА лойиҳаси бўйича ҳеч қандай эътироз ва таклифлар йўқлиги маълум қилинган, яъни ТИА лойиҳаси бўйича ижобий хулоса берилган.

Шунингдек, тарафлар ўртасида тузилган шартномада аниқ номи кўрсатилган экспертиза муассасаси келишилмаган. Аксинча, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 июлдаги ПҚ-3857-сон қарорининг иловаси билан тасдиқланган “Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат



молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги”ги низомнинг 18-бандига кўра, лойиҳанинг ТИА экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан ўз ваколати доирасида амалга оширилиши белгиланган бўлиб, биринчи инстанция суди уларни ишга жалб қилиб уларнинг муносабатини аниқлаган.

Бундан ташқари, жавобгар тарафлар ўртасида 2021 йил 4 февраль куни тузилган 10-21-сонли шартномани ФКнинг 382-385-моддаларида белгиланган тартибда бекор қилмасдан бошқа пудратчи билан шартнома тузишга йўл қўйган.

ИПКнинг 278-моддасида суд ҳужжатини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари кўрсатилган. Судлов ҳайъати суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун Кодекснинг ушбу моддасида кўрсатилган асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъати апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни, жавобгар томонидан апелляция инстанцияси учун олдиндан тўланган 2 360 072 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати ўз зиммасида қолдиришни лозим топди.

Юқоридагиларга ва ИПК 278-280-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

### **қ а р о р   қ и л д и :**

Тойлоқ туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 28 июлдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз [REDACTED] апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

[REDACTED] монидан олдиндан тўланган 2 360 072 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати ўз зиммасида қолдирилсин.

Жавобгар [REDACTED] видеоконференцалоқа режимидан фойдаланганлик учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг депозитига 82 500 сўм суд харажати ундирилсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Мазкур қарор устидан кассация тартибида шикоят бериш мумкин.

**Раислик қилувчи**

**Ш.Мамадияров**

**Ҳайъат аъзолари**

**М.Дусматова**

**И.Ҳамроқулов**

